
Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан маҳалла ёшлари учун спорт мусобақаси ташкилланди

Кўкдўппи маҳалласининг еттита кўчасида яшовчи ёшлар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақа "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкилланди.

Мусобақа сўнгида ғолиб совриндорлар ва фаол иштирокчилари туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Маҳалла ёшлар етакчисининг хабар беришича, маҳаллада бу каби спорт мусобақалари ҳар ой ўтказиб келинмоқда.

2022-11-25 08:19:43